ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Шерзод Иброим ўғли Иброимов
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ва жаҳон таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, кадрлар тайёрлашни хорижий талаблар даражасига кўтариш, электрон таълимни ривожлантириш, масофавий таълим имкониятлари, таълим тизимига замонавий технологияларни жорий этиш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини орттириш, электрон таълим муҳитида билим олишнинг интеллектуал тизимларини жорий этиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларига, таълимнинг ноанъанавий шакли сифатида талабалар билимини баҳолашнинг интерактив технологиялар асосида ташкиллаштириш тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: масофавий таълим**,** оптималлаштиш, интерактив, мотивация, инновацион, индивидуал, потенциал, компетенция.

METHODS OF CONTROL OF STUDENT KNOWLEDGE IN GEOGRAPHY CLASSES

Sherzod Ibroim ugli Ibroimov
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The current reforms in the education system of our country and the world, raising the level of training to the level of foreign requirements, the development of e-learning, distance learning opportunities, the introduction of modern technologies in the education system, improving the quality and efficiency of e-learning, The organization of assessment of students' knowledge on the basis of interactive technologies as a non-traditional form of education has been stopped.

Keywords: distance learning, optimization, interactive, motivation, innovation, individual, potential, competence.

КИРИШ

Республикамиз ва жаҳон таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида олий таълим тизими олдига бўлажак мутахассис кадрлар тайёрлашни

хорижий талаблар даражасига кўтариш, электрон таълимни ривожлантириш, масофавий таълим имкониятларини кенгайтириш каби долзарб вазифаларни қўйди. Шу боис, таълим тизимига замонавий технологияларни жорий этиш, ўқитиш сифати ва самарадорлигини орттириш, электрон таълим муҳитида билим олишнинг интеллектуал тизимларини жорий этиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Сўнгги 50 йил давомида ахборот-технологияларнинг шиддат билан ривожланиб бориши натижасида ахборот маълумотлари ташувчи қурилмалари ҳажм, вазн борасида оптималлаштирилиб борилмоқда. Хусусан, таълимнинг ноанъанавий шакли сифатида талабалар билимини баҳолашнинг интерактив технологиялар асосида ташкиллаштириш имконияти ортиб бормоқда.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги асосий ислоҳотлар ўз навбатида олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган талабларга ҳам катта таъсир кўрсатади. Олий таълим муассасаси янги шароитларда битирувчининг касбий малакаси учун аҳамиятга эга жиҳатларини шакллантиришда нафақат маълум билим ва кўникмалар тўлалигига, балки мустақил равишда ўз билимларини бойитиб бориш, турли хил муаммоларни қўйиш ва уларни ҳал қилиш, муқобил ечимларни таклиф этиш, улар орасидан энг самаралисини танлаб олиш мезонини ишлаб чиқиш кабиларига ҳам йўналтириши лозим.

Замонавий ривожланиш даврида ўсиб бораётган ёш авлодни ахборот жамиятидаги ҳаётга тайёрлаш каби муҳим масала турибди. Бунда эса албатта ҳар бир шахсда ахборот маданиятини шакллантириш муҳим.

Инсоният цивилизациясининг ахборотлашган жамиятга қадам қўйиши бўлғуси география ўқитувчиларининг автоматлаштирилган ахборот таълим муҳитида касбий фаолият олиб боришга тайёрлаш долзарб муаммо сифатида ўрганишни тақозо этади.

Таълим соҳасини ахборотлаштириш натижасида ҳар бир ўқитувчи ва талаба чекланмаган ахборот манбаига эга бўлиши зарур.

Ахборотни таҳлилий тарзда қайта ишлаш, ундан ўз ўрнида фойдаланиш имконини беради ва педагогик жараён иштирокчилари фаолиятини кучайтиради.

Таълим соҳасини ахборотлаштириш миқиёсида олиб борилаётган кенг кўламли тадқиқотлар, шунингдек, олий таълим тизимида ахборот технологиялари воситаларининг қўлланилиши тажрибаси шуни кўрсатадики, бунда олий ўқув юртлари ўқув дастурлари мазмуни, услуби, воситалари, таълим шакли ва назорат усуллари янги дидактик шароит касб этади ҳамда янги

тузилишга, шаклга, ижрога, иш ҳажмига ҳамда писихологик-педагогик тавсифга эга бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шуларни ҳисобга олган ҳолда таълимни ахборотлаштириш шароитида талабалар билимини баҳолашнинг интерактив технологияларидан фойдаланиш уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш орқали касбий тайёргарлигини орттириш қўяди. Узоқ йиллар мобайнида бўлғуси ўқитувчиларини касбий тайёргарлигини орттириш муаммоси кўплаб олимлар ва таълим соҳаси мутахассислари диққат эътиборида бўлиб келган. Сўнги йилларда бир қатор олимларнинг илмий изланишлари педагогик таълимнинг умумий назариясига боғлиқ ҳолда тадқиқ этилган. Бироқ, география дарсларида талабалар билимини баҳолашнинг интерактив технологиялар асосида ташкиллаштириш имкониятлари алоҳида тадқиқот обекти сифатида ўрганилмаган. Шу боис, педагогик амалиётда қарама-қаршиликлар пайдо бўла бошлади. Бу зиддият бўлғуси география ўқитувчиларида билиш фаолиятини ривожлантириш, тезкор ахборот-коммуникацион таълим муҳитида касбий фаолиятга тайёрлашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш тизимнинг мавжуд эмаслигидир.

География дарсларида талабалар билимини баҳолашнинг интерактив технологияларидан фойдаланиш олий таълим тизимини ахборотлаштириш талабларига мувофиқ қуйидагиларни таъминлайди:

- ўқитишнинг шахсга йўналтирилганлиги;
- маълумотлар базасини илмий ва касбий талабларга мувофиқ интерфаол эгаллашга эришиш;
- талабаларни интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш;
- талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятига, ўзаро билимларни ўртоқлашиш ва ҳамкорликка интилишларини орттириш;
- интерактив технологияларнинг замонавий имкониятлари ёрдамида талаба фаолияти мотивациясини орттириш;
- талабалар билимини автоматлашган тизими орқали баҳолашнинг ахборот муҳитини яратиш;
- талабалар билимини баҳолашда вақт сарфини камайтириш, билим бериш имкониятини кенгайтириш;
- талабалар билимини объектив баҳолаш ва ҳ.к.

Олий таълим талабларига мувофиқ талабалар баҳолаш воситалари, усуллари, турлари ва шаклларини мустақил ишлаб чиқиш зарур. Билимларни назорат қилиш усулларини танлаш баҳолаш мақсади, мазмуни ҳамда таълим муассасасининг мазкур усулдан фойдаланиш имкониятларига, ресурсларига мувофиқ бўлади. Мураккаб назарий саволларни текшириш асосан индивидуал сўров (семинар, коллоквиум) тарзида амалга оширилади. Фронталь оғзаки сўров ҳажми кўп, лекин мураккаб бўлмаган мазмунга бой ўқув материалларини ўрганишда режалаштирилади.

НАТИЖАЛАР

Билимларни ўзлаштириш назорати:

- анъанавий ёки инновацион (рейтинг, портфолио, кейс-ўлчов, эссе ва ҳ.к.) бўлиши мумкин;
- индивидуал, гуруҳли;
- ёзма, оғзаки, дастурий воситалардан фойдаланиш ёки ижодий ишни ҳимоя қилиш кўринишида ва ҳ.к.

Билимларни назорат қилишнинг анъанавий шаклларидан: суҳбат, коллоквиум, синов (зачёт), имтихон (соҳалар бўйича, модул бўйича, якуний давлат аттестацияси), тест, назорат иши, ҳисобот (амалиёт ҳисоботи, талабаларнинг илмий-тадқиқот юзасидан ҳисоботи ва ш.к.), курс иши, битирув малакавий иш кенг тарқалган. Назоратнинг анъанавий шакллари, турлари ва услубларида асосан билимларни ўзлаштиришни назорат қилишга йўналтирилган бўлади ва ҳар доим давлат малака талабларида кўзда тутилган компетенцияларни шакллантириш назоратини модернизациялаш ва ўтказишга хизмат қилмайди. Назоратни инновацион технологиялари ва баҳолаш воситаларига: портфолио, кейс-технологиялар, вазиятли топшириқлар, имитацион тренинглар, кичик-лойиҳа, компьютерли симуляция, саҳналаштириш, гуруҳларда курс лойиҳаларини бажариш, ишбоп ва ролли ўйинлар киритилади.

МУҲОКАМА

Замонавий босқичда назоратнинг ташҳислаш функцияси талабалар ўқув фаолиятини бошқариш, шахсий қобилияти даражасига мувофиқ ўқув фаолиятини бажаришга тайёргарлигига йўналтирилади. Ривожлантирувчи ва тарбиялаш функцияси талабаларнинг шахсий хусусиятларига ҳамда келгуси касбий фаолият соҳасининг ўзига хос хусусиятига йўналтирилади.

Назоратнинг янги компетентли ёндашув нуқтаи назаридан ўзига хослиги:

- компетенциялар таснифи: универсал. метапредметли ва хусусий, фанга оид;
- касбий эҳтиёж, масалан, иш берувчилар потенциали ортиши;
- компетенциялар шаклланганлиги мониторинги олиб бориш;
- ҳар бир талабанинг субъектив, шахсий эҳтиёжи;
- таълим технологиялари билан алоқаси;
- таълим маҳсулотлари истеъмолчилари ва таълим жараёни очиқлиги, шаффофлиги;
- ўз-ўзини назорат қилиш ва ташҳислаш шароитлари, аудитория маконидан “чиқиш” чегараси.

ХУЛОСА

Компетенцияларни шаклланганлиги баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур инновацион назорат статистик ва динамик баҳолаш орқали ўтказилади ҳамда талабалар тайёргарлигини ўзгаришига олиб келади. Масалан, мониторинг-замонавий воситалардан бири бўлиб, билимларни ўзлаштириш натижаларини баҳолаш тизимига киради; билимларни баҳолашнинг рейтинг технологияси мустақил ишлар учун билимларни назорат шакллари ва қийинлигини, алоҳида иш турларини баҳолаш мезонларининг объективлигини; якуний аттестация давлат имтиҳонлари (ва бошқалар) мазмунига мувофиқ компетенцияларни шаклланганлик даражасини аниқлаш имкониятларини беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, билимларни ўзлаштиришни назоратининг ишончлилиги ва объективлигини таъминлаш фанга оид билимларни ўзлаштириш сифатини кўтариш муаммосини ҳал этишда ҳамда битирувчиларнинг меҳнат бозори талабларига мос равишда касбий фаолиятга тайёрлаш даражасини орттиришда муҳим аҳамиятга эга.

REFERENCES

1. Tojieva Zulxumor Nazarovna, Dusmanov Farhod Azamqulovich, Muhamedova Nazokat Jurayevna, & Haydarova Surayyo Abdusalomovna (2016). Mustaqillikdan keyingi yillarda O'zbekiston Respublikasi aholisining o'limi va umr ko'rish davomiyligi. Evropa ilmiy sharhi, (3-4), 24-27.
2. Shernayev Akbar (2020/1/30) Abstracts of V International Scientific and Practical Conference Osaka, Japan 29-31 January 2020,189-193.
3. Иброимов, Ш. И. Ў., & Болтаев, М. Ж. (2020). Ўзбекистон тоғ-водийларининг экотуристик имкониятлари ва улардан фойдаланиш. Academic Research in Educational Sciences, (1).

4. Rajabov Furkat Turakulovich, Sattarov Abdisamat Umirkulovich (2020) FARMS OF UZBEKISTAN: DEVELOPMENT, SPECIALIZATION, GEOGRAPHY. Journal of Critical Reviews, 7 (6), 1189-1196.
5. Oybek Uralovich Abdimurotov (2020). TABIIY GEOGRAFIYA DARSLARINI MUSTAQIL O‘RGANISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISHNING IMKONIYATLARI. Academic research in educational sciences, (3), 1306-1312.
6. Ibroimov, S., & Madaminova, M. (2020). Maktablarda geografiya fanini o ‘qitish samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalarni qo ‘llash. Academic research in educational sciences, (1).
7. Radjabov, F. (2020). Describe the Individual Food Industry Contents and their Role in the Delivery of Agricultural Products. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 19(1), 292-294.
8. Komilova, N. K., Haydarova, Ş. A., Xalmirzaev, A. A., Kurbanov, S. B., & Rajabov, F. T. (2019). Territorial Structure of Agriculture Development in Uzbekistan in Terms of Economical Geography. Journal of Advanced Research in Law and Economics, 10(8 (46)), 2364-2372.
9. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, Мансур Фарманович Бўрибеков, & Мақсуда Анвар Қизи Сатторова (2020). ЁШ АВЛОДГА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ЕТКАЗИШ. Academic research in educational sciences, (3), 275-279.
10. Turakulovich RF (2020). Dynamics and Regional Features of Agricultural Production. In the Republic of Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24 (2), 1264-1269.
11. Фуркат Ражабов, Лобар Джўраева, & Асрор Махмадалиев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ, ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. Academic research in educational sciences, (3), 674-686.
12. Шерзод Иброимов, Маҳмуд Болтаев, & Мақсуда Сатторова (2020). МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА РЕКРЕАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Academic research in educational sciences, (3), 146-151.
13. Фуркат Туракулович Ражабов, & Азиза Абдуллаевана Олимова (2020). ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ (ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, (3), 697-702.